**ШАРТНОМА № УН-01**
**тижорат асосида матнларни чоп этиш,**
**реклама (эълон) хизматини кўрсатиш**

**2022 йил «14» Январь** Тошкент **шаҳри**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби таъсисчилигида ташкил этилган **«ODILLIK MEZONI TAHRIRIYATI» давлат муассасаси** директори А.Эшмуродов– реклама тарқатувчи (бундан кейинги матнларда Таҳририят) бир томондан, тижорат асосидаги чоп этиладиган матнли ва реклама материалларини берувчи (бундан кейинги матнларда Буюртмачи) «"Микрокредит банк" акциядорлик тижорат банки» номидан ______________________ иккинчи томондан қуйидагилар ҳақида ушбу шартномани туздик:

### 1. Шартнома предмети

Буюртма берувчи топширади, таҳририят бажаради:

1.1. Реклама объекти (матнли материал йўналиши) Матнли
Материал ҳажми бир саҳифа

1.2. Жойлаштирилиши Ташқи саҳифа

1.3. Рекламанинг ҳар бир сонга жойлаштириш 1500 000 (Бир миллион беш юз минг) сўм миқдорида белгиланади.

### 2.Таҳририятнинг мажбуриятлари

2.1. Журнал саҳифаларида (муқовасида) берилаётган материалларни жойлаштиради ва ундаги материаллар билан буюртмачини журнал саҳифаланишидан 5 иш куни кун олдин таништиради.

2.2. Реклама учун эскиз, фото, слайд, компьютер материалларини ______________ ҳисобидан тайёрлайди ва тайёр материаллар бўйича буюртмачининг розилигини олади.

2.3. Реклама материалларининг сифатли чоп этилиши ва бирламчи материалларга мослигини таъминлайди.

2.4. Таҳририят ўзининг мухбирлари тимсолида буюртмачи фаолиятида дуч келаётган муаммоларни, шунингдек тақдим этилган матнли материалларни журнал саҳифаларида қонун доирасида ёритади.

### 3. Буюртмачининг мажбуриятлари

3.1. Материаллар тайёрлашга шарт-шароит яратади ва кўмаклашади. Бирламчи материалларининг таҳририятга етказиб берилишини таъминлайди.

3.2. Реклама, эскиз ва бошқа материалларни тасдиқлайди, шунингдек матнли материалларни таҳрир вариантини кўриб беради.

### 4.Тўлов тартиби

4.1. Буюртмачи таҳририятнинг ҳисоб рақамига 1-2-сонлар учун
(ҳар бир ёки 1,2,3....)

сонда материалларни жойлаштириш учун 5 (Беш) банк иш куни ичида ҳар бир сонда чиқадиган реклама матнлари ва материаллари учун 1500000 сўм (Бир миллион беш юз минг сўм) сўм маблағни ўтказади.

4.2. Шартнома тўлови ҳар бир сон учун 100 % амалга оширилгач, Таҳририят материалларини эълон қилади.

4.3. Шартноманинг умумий суммаси 3000000 сўм (Уч миллион сўм) сўм.
*(сумма сўз билан)*

4.4. Тўлов муддати томонлар келишувига мувофиқ ушбу шартноманинг 5.3-бандига асосан амалга ошириладиган бўлса, 4.1 ва 4.2-бандлардаги муддатлар ҳам мутаносиб равишда ўзгарган ҳисобланади.

4.5. Буюртмачининг айби билан тўлов муддати ва тартиби бузилса таҳририят ушбу шартномага мувофиқ кўрсатилган хизмат учун буюртмачининг банкдаги ҳисоб рақамидан сўзсиз (акцептсиз) тартибда тегишли пул суммасини ундирув талабини қўйишга ҳақли.

### 5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Материалларнинг тўғрилиги ва сифати бўйича томонлар ушбу шартнома ва амалдаги қонунчиликка асосан жавобгардирлар.

5.2. Белгиланган муддатда эълон қилинмаган материаллар учун таҳририят шартнома суммасининг 0.1% ҳисобидан материал босмахонага топширилган кунга қадар ҳар бир кун учун жарима тўлайди. Умумий жарима суммаси шартнома суммасининг 5 % дан кўп бўлиши мумкин эмас.

5.3. Томонлар келишувига мувофиқ тўлов суммаси материаллар эълон қилинганидан сўнг, 10 банк иш куни ичида амалга оширилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартноманинг 5.3-моддаси талаблари бузилса буюртмачи томонидан ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун шартнома суммасининг 0.1% ҳисобидан жарима тўлайди. Умумий жарима суммаси шартнома суммасининг 5% дан кўп бўлиши мумкин эмас.

5.5. Буюртмачи материалларнинг ҳаққонийлиги, шунингдек оқибатда таҳририятга етказилган моддий ва маънавий зарар учун амалдаги қонунчилик асосида жавобгардир.

### 6. Шартнома муддати

6.1. Ушбу шартнома 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

6.2. Ушбу шартнома томонлар келишуви билан амал қилиш муддатигача бекор қилиниши мумкин.

### 7. Томонларнинг манзиллари, банк реквизитлари, имзолар

**«Таҳририят»**

**«ODILLIK MEZONI TAHRIRIYATI» DM**
**Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 6 уй.**
**Тел.:** ***555010237, 555010238***
**E-mail: odillikmezoni@mail.ru**
**х/р- 2021 0000 1008 4341 6001**
**Тошкент шаҳар, ТИФ миллий банкининг "Саёҳат бўлими" филиали**
**МФО: 00 905 ИНН: 305 282 707**
**ОКЭД: 58 140**

**Директор ____________ А.Х.Эшмуродов.**

**«Буюртмачи»**

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКБ
МФО 00433 ИНН 200547792
Р/С: 1990_000_00000 433001
ИНДЕКС 100096 ОКОНХ 96120
ОКПО 15142540 ТЕЛ: 371 2029999
г. ТАШКЕНТ ул. ЛУТФИЙ 14